ЛОЙИҲА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ

ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикасида электрон тижорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг «Электрон тижорат тўғрисида»ги қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг «2016-2018 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, шунингдек электрон тижорат соҳасида муносабатларни тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикасида электрон тижорат қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгиланснки:

ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда тузилган шартномалар томонларнинг ёзма равишда тузилган ва имзоланган, жумладан муҳр билан тасдиқланган шартномалар билан бир хил кучга эга;

фуқароларга мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқлар асосида тегишли бўлган автомототранспорт воситаларида товарларни етказиб беришни амалга ошириш учун лицензия талаб этилмайди (қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно);

қонун томонидан белгиланган ҳолатлардан ташқари;

электрон тижорат шаклида товарларни етказиб бериш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатишда алоҳида бухгалтерия ҳисоботини юритиш талабларини белгилашга йўл қўйилмайди.

3. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига электрон тижоратни амалга оширишга кўмаклашувчи веб-сайтлар ва бошқа электрон ресурсларнинг доимий янгиланиб турувчи ягона реестрини шакллантириш юклатилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни ҳамда улар томонидан савдо фаолияти амалга оширилишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2002 йил 26 ноябрдаги 407-сонли қарори 1-бандининг иккинчи хатбошисидан “шунингдек электрон тижоратга нисбатан” сўзлари чиқариб ташлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой ичида:

амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг

Бош вазири **Ш. Мирзиёев**

Вазирлар Маҳкамасининг
2016 йил _____
____-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикасида электрон тижорат қоидалари

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Ўзбекистон Республикасида электрон тижорат қоидалари (кейинги ўринларда Қоидалар деб аталади) Ўзбекистон Республикаси «Электрон тижорат тўғрисида», «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида электрон тижорат шаклида товарларни сотиш, хизматларни кўрсатиш ва ишларни бажаришни тартибга солади.

2. Ушбу қоидалар қуйидагиларга нисбатан татбиқ этилмайди:

Ўзбекистон Республикасининг давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилиги асосида давлат томонидан харид қилинаётган товарлар (ишлар, хизматлар)га;

Ўзбекистон Республикасининг қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонунчилиги асосида тартибга солинадиган савдо ташкилотчиси ҳудудида амалга ошириладиган битимларга;

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мос равишда нотариал идоралар томонидан тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган кўчмас мулкни сотиши ва келишувларга;

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига асосан эркин реализация қилиш таъқиқ ёки чекловлар қўйилган товарлар (ишлар, хизматлар)га.

3. Электрон тижорат шаклида улгуржи ва чакана савдо фаолиятини амалга ошириш Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 ноябрдаги 407-сон қарори билан тасдиқланган «Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги Низоми ва Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида чакана савдо Қоидалари билан тартибга солинади.

4. Электрон тижорат шаклида товарлар сотиш, иш ва хизматларни реализация қилиш учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар талаб қилинмайди.

5. Электрон тижорат объектлари бўлиб Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ реализация қилиш мумкин бўлган товарлар, иш ва хизматлар ҳисобланади.

6. Электрон тижорат таклифни ахборот ресурсига жойлаштириш орқали амалга оширилади.

II. АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР ВА АТАМАЛАР

7. Мазкур қоидаларда қўйидаги асосий тушунчалар ва атамалардан фойдаланилади:

акцепт – таклиф қабул қилинганлиги тўғрисидаги шахснинг жавоби;

электрон тижорат шартномаси (кейинги ўринларда шартнома деб аталади) – ахборот тизимлари орқали товарларни сотиш, сотиб олиш, ишлар ва хизматларни амалга оширишга йўналтирилган харидор (буюртмачи) ва сотувчи ўртасида тузиладиган шартнома;

ахборот тизими - ахборотдан фойдаланиш, тўплаш, сақлаш, излаш, қайта ишлаш имконини берувчи ташкилий ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва коммуникациялари мажмуи;

ахборот воситачиси – электрон тижоратда электрон ҳужжат ва электрон хатлар айланмаси билан боғлиқ хизматларни тақдим этувчи юридик шахс;

ахборот ресурслари – ахборот тизими таркибидаги электрон шаклдаги ахборотлар ва маълумотлар базаси;

оферта – шартномада белгиланган шартлар асосида шартномани имзолаш мақсадида бир ёки бир неча муайян шахсга ва сони белгиланмаган номуайян шахсларга оферент томонидан юбориладиган ва шартноманинг барча аҳамиятли шартларини ўзида мужассам этган таклиф;

харидор (буюртмачи) – ахборот тизими орқали товарлар, ишлар ва хизматларни истеъмол қилиш ёки чакана савдода сотиш мақсадида харид қилувчи, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида рўйхатдан ўтган тадбиркорлик фаолияти субъекти ёки жисмоний шахс;

сотувчи – ахборот тизимлари орқали товарларни сотувчи, ишларни бажарувчи ва хизматларни кўрсатувчи тадбиркорлик фаолияти субъекти;

электрон тижорат – ахборот тизимлари фойдаланилган ҳолда тузилган шартномаларга биноан товарлар сотиш ва сотиб олиш, ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатиш;

электрон савдо майдони – товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотиш учун, ахборот тизими орқали сотувчи ва харидор (буюртмачи)ларни ўзаро ҳамкорлигини таъминловчи ташкилий ахборот ва техник ечимлар аппарат–дастурий комплекси ва онлайн дўконлар;

электрон хат – электрон воситалар ёрдамида олинган, юборилган ва сақланаётган, электрон ҳужжат ҳисобланмайдиган, электрон шаклдаги ахборот;

электрон восита – электрон шаклдаги ахборотлар билан алмашиш, қайта ишлаш ва сақлашга мўлжалланган телекоммуникация тармоқлари, компьютерлар ва бошқа техник ускуналар;

электрон ҳужжат - электрон шаклда қайд этилган, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш имкониятини берадиган бошқа реквизитларига эга бўлган ахборот.

III. Электрон тижорат субъектлари

8. Сотувчи, ҳаридор (буюртмачи) ва ахборот воситачиси электрон тижорат субъектлари ҳисобланади.

9. Электрон тижорат субъектлари шартнома ва Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари талабларига мувофиқ ҳуқуқларни амалга оширади ва уларга эга бўлади, мажбуриятларни бажаради.

10. Сотувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

электрон тижорат мақсадида ишлаб турган ахборот ресурсларида офертани жойлаштириш (таклиф этиш);

электрон тижоратдаги шартномаларни тузиш йўли билан товарларни сотиш, ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатиш;

электрон ҳужжатлар ва электрон хабарларни сақлаш учун ахборот воситачилари ҳизматларидан фойдаланиш.

11. Сотувчи:

Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, ҳаридорга (буюртмачига) товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақида зарур ва тўғри маълумот бериши;

шартномадаги шартларни сўзсиз бажаришни таъминлаши;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ электрон ҳужжатлар ва электрон хабарларнинг сақланишини таъминлаши;

электрон тижоратнинг бошқа субъектларига давлат тилида, зарур бўлганда бошқа тилларда, электрон шаклда ўзи ҳақидаги тўғри маълумотлар билан танишиб чиқиш учун имконият яратишни таъминлаши шарт. Мазкур маълумотлар қуйидагиларни ўз ичига олиши керак;

а) ташкилий-ҳуқуқий шаклини кўрсатган ҳолда тадбиркорлик субъектининг номи; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтган, юридик шахсни ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектининг фамилияси, исми;

б) давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақида маълумот, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтган тадбиркорлик субъектининг солиқ тўловчининг идентификация рақами;

в) юридик манзили, электрон манзили, телефон рақами;

г) лицензия ёки рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатнинг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар (лицензиянинг ёки рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатнинг рақами, амал қилиш муддати, лицензияни ёки рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатни беришга ваколатли органнинг номи).

12. Сотувчи томонидан юборилаётган оферта ёки таклиф қилинаётган товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақидаги маълумотлар электрон шаклда, маълумотларни бузмаган ҳолда ўқиш имконини берувчи, сотувчи ҳамда таклиф этилаётган товарлар (ишлар, хизматлар), уларга бўлган нархлар ва тарифлар, уларнинг сотилиши, бажарилиши ва кўрсатилиш шартлари ҳақида тўғри тасаввур ҳосил қилиш имкониятини берадиган шаклда тақдим этилиши керак.

13. Электрон ҳужжат ва электрон хабарлар айланишини таъминлаш мақсадида электрон тижорат субъектлари тегишли ахборот тизимларини ташкил этиш ва бошқаришни таъминлаган ҳолда шартнома асосида ахборот воситачиси хизматларидан фойдаланиши мумкин.

14. Ахборот воситачилари жумласига қуйидагилар киради:

электрон тижорат субъектларининг электрон ҳужжатлари ва электрон хабарлари айланиши бўйича хизматлар кўрсатувчи телекоммуникация тармоқлари операторлари ва провайдерлари;

электрон тижорат субъектларининг тўлов тизимларидан фойдаланилишини ва тўловлар ўтказилишини таъминлаш бўйича хизматлар кўрсатувчи банклар;

электрон ярмаркалар, кимошди савдолари ва танловлар ташкил этилишини амалга оширувчи юридик шахслар;

электрон тижорат иштирокчиларининг электрон ҳужжатлари ва электрон хабарларини сақлаш бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар.

Ахборот воситачилари жумласига қонун хужжатларига мувофиқ бошқа юридик шахслар ҳам киритилиши мумкин.

15. Ахборот воситачиси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз ваколати доирасида шартнома асосида электрон тижоратда электрон ҳужжатлар ва электрон хабарлар айланиши билан боғлиқ хизматларни кўрсатиш;

электрон тижорат субъектларига кўрсатиладиган хизматлар шартларини белгилаш.

16. Ахборот воситачиси:

электрон тижорат соҳасидаги стандартлар, нормалар ва қоидаларга риоя этиши;

ўзининг тўлиқ номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли, кўрсатиладиган хизматлар, уларни кўрсатиш шартлари ва қийматлари (тарифлари) ҳақидаги ахборотни электрон тижорат иштирокчиларига ошкор қилиши;

электрон ҳужжатларнинг ва электрон хабарларнинг мазмунини, улардан фойдаланиш тартибини ўзгартирмаслиги (электрон тижорат субъектлари билан тузилган шартномаларда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно);

электрон ҳужжатларни, электрон хабарларни ҳамда шахсга доир маълумотларни рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоя қилиш чора-тадбирлари билан таъминлаши;

электрон ҳужжатларни ва электрон хабарларни учинчи шахсларга юбормаслиги (бундан қонун хужжатларида ёки шартномада назарда тутилган ҳоллар мустасно);

электрон тижоратни амалга оширишда электрон архив маълумотларини ташкил қилиши, ҳамда уларни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва муддатларда сақлашни таъминлаши;

ахборот тизимларидаги маълумотларнинг яхлитлигини ва махфийлигини таъминлаши шарт.

17. Ахборот воситачиси қонун ҳужжатларига ҳамда шартномага мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ва ўзга мажбуриятларга эга бўлиши мумкин.

18. Ахборот воситачиси юборилаётган, қабул қилиниб олинаётган ва сақланаётган электрон ҳужжат ва электрон хабарларнининг тўғрилигини назорат қилишга ёки текширишга мажбур эмас, агар шартномада ёки Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида бошқача ҳоллар назарда тутилмаган бўлса.

19. Электрон тижоратдаги бошқа субъектларнинг ахборот воситачиси орқали юборилаётган электрон ҳужжатлари ва электрон хабарлари мазмуни билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий оқибатлар учун ахборот воситачиси жавобгар бўлмайди.

IV. Электрон савдо майдонини ташкил этиш

20. Сотувчи ёки ахборот воситачиси электрон тижорат субъектларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминловчи электрон савдо майдони орқали электрон тижорат шаклида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш ҳуқуқига эга.

21. Электрон савдо майдони қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтган веб-сайтлар ва бошқа электрон воситалар ягона реестрига киритилган веб-сайтлар ва мобиль иловалар кўринишида бўлиши мумкин.

22. Электрон савдо майдони қуйидаги имкониятларни назарда тутган ҳолда электрон тижоратни амалга ошириш учун зарур бўлган функцияларни ўз ичига олиши лозим:

мазкур Қоидалар билан белгиланган тартибда офертани жойлаштириш (таклиф этиш), акцептни амалга ошириш ва шартнома тузиш;

электрон тижорат субъектларига мазкур Қоидаларида назарда тутилган маълумотлар билан танишиш имкониятини тақдим этиш;

мазкур Қоидалар талабларига мувофиқ, электрон хужжат ва электрон хабарлар айланишини хавфсиз амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ, электрон хужжатлар ва электрон хабарларни сақлаш.

23. Электрон савдо майдони орқали электрон ярмаркалар, аукционлар, танловлар ва кўргазма-ярмарка савдосини ташкил этиш ва ўтказиш қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

V. Электрон шартнома тузиш ҳамда оферта ва акцепт билан алмашиш тартиби

24. Шартнома оферта ва акцептдан ташкил топади ва офертани юборган томонидан офертанинг акцепти олинган пайтдан эътиборан тузилган деб эътироф этилади.

25. Оферта ўзида электрон ҳужжат ва электрон хабарни ифодалайди, унинг воситасида электрон тижорат субъекти бир ёки бир неча муайян шахсга ва номуайян шахслар доирасига шартнома тузиш таклифини билдиради ва уларга шартнома шартлари кўрсатилган матндан фойдаланиш имкониятини таъминлайди, шу жумладан мазкур Қоидаларга мувофиқ мажбурий бўлганларини ҳам.

26. Электрон тижорат субъекти томонидан юборилаётган офертада шартномага киритилиши керак бўлган барча шартлар ёки ушбу шартлар кўрсатилган электрон ҳужжатлар ва электрон хабарларга ҳаволалар кўрсатилиши лозим.

27. Оферта унда кўрсатилган муддат мобайнида ҳақиқий ҳисобланади. Оферта мазкур Қоидаларда ўрнатилган тартибда чақириб олиниши мумкин.

28. Офертани чақириб олиш қабул қилиб олувчига чақириб олиш сабаблари кўрсатилган электрон хужжат ёки электрон хабар шаклида уни чақириб олиш ҳақида билдиришнома юбориш орқали амалга оширилади.

29. Шартномани тузиш акцептни қуйидаги кўринишда қабул қилиш орқали амалга оширилади:

электрон тижорат субъектининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланишини назарда тутувчи электрон ҳужжат;

электрон тижорат субъектининг розилиги кўрсатилган электрон хабар;

офертада кўрсатилган шартларни бажариш бўйича ҳаракатларни содир этиш.

30. Акцепт ўзида электрон хужжат ва электрон хабарни ифодалайди, унинг воситасида шахс офертада кўрсатилган шартлар бўйича шартнома тузишга сўзсиз розилик беришини ифода этади.

31. Акцептда шартнома шартлари ўзгармаган ҳолда кўрсатилган оферент томонидан таклиф этилган шартнома матни бўлиши керак. Оферентга шартнома шартлари ўзгарган акцепт юборилган тақдирда, бундай акцепт янги оферта деб ҳисобланади.

32. Оферта ёки акцепт қабул қилиб олувчи томонидан уларни қабул қилиб олганлиги ҳақидаги билдиришнома юбориш вақтидан бошлаб қабул қилинган деб ҳисобланади, агар томонлар келишувида бошқача ҳоллар назарда тутилмаган бўлса.

33. Мазкур Қоидалар билан белгиланган тартибда акцептни қабул қилмай туриб офертани қабул қилиб олганлиги ҳақидаги билдиришнома шартномани бажаришга асос бўла олмайди.

34. Оферта ва акцепт юборувчи томонидан уларнинг мазмуни ўзгартирилмаган ҳолда, улар қандай юборилган бўлса шундай, қабул қилиб олувчи томонидан уларнинг амал қилиш муддати тугагунга қадар қандай бўлган бўлса шундайлигича сақланиши лозим.

35. Оферта ва акцептни амалга ошириш, уларни расмийлаштириш ва тайёрлаш билан боғлиқ бўлган алоҳида умумий масалалар ва талаблар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида” ва “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги қонунлари билан тартибга солинади.

36. Ахборот тизимидан фойдаланилган ҳолда тузилган шартнома, ёзма равишда тузилган ва томонлар имзолаган, шу жумладан уларнинг мухрлари билан тасдиқланган шартномага тенглаштирилади.

37. Офертада унинг алоҳида шартлари шартномага оммавий ахборот ресурсларида жойлаштирилган электрон ҳужжатга ёки электрон хабар ҳавола орқали киритилиши назарда

тутилиши мумкин. Бундай ҳолларда электрон ҳужжатни ёки электрон хабар жойлаштирувчи тараф шартноманинг амал қилиш муддати давомида унга эркин фойдаланиш имконини таъминлашига шарт.

38. Шартнома қуйидаги мажбурий шартларни ўз ичига олиши керак:

шартнома предмети;

томонларнинг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) нархи, хусусияти ва томонлар ўртасида ўзаро амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар тартиби;

етказиб бериш жойи ва шартлари (етказиб бериш хизматлари мавжуд бўлган ҳолларда);

томонларнинг жавобгарлиги;

мажбуриятларни бажариш тартиби ва муддатлари;

шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш имкониятлари ва тартиби;

битимни бекор қилиш шартлари;

товар ва пул маблағларини қайтариб олиш шартлари ва тартиби;

тузилаётган шартнома тили тўғрисидаги маълумот;

шартномага электрон ҳужжат ва электрон хабарга ҳавола орқали киритилган шартлар ва тегишли ҳаволадан фойдаланиш тартиби;

шартноманинг амал қилишини бекор қилиш шартлари;

низоларни ҳал қилиш тартиби;

томонларнинг юридик, электрон манзиллари ва банк реквизитлари;

томонлар билан келишилган бошқа шартлар.

39. Шартномага киритилган ўзгартиришлар электрон ҳужжат ва электрон хабар кўринишида расмийлаштирилади ва шартноманинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади.

VI. Электрон ҳужжат ва электрон хабар

40. Электрон ҳужжат ва электрон хабар ўз қўли билан имзоланган қоғоздаги ҳужжатларга тенглаштирилади.

41. Электрон ҳужжат ва электрон хабарнинг мазмуни учун, агар шартнома ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан бошқача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, уни тузган шахс жавобгар бўлади.

42. Сотувчи ёки ахборот воситачиси электрон ҳужжатларни ва электрон хабарларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган муддатларда ва тартибда сақлашга мажбурдир.

43. Электрон ҳужжат ва электрон хабар:

бевосита тузувчи томонидан;

тузувчи номидан ҳаракатни амалга ошириш ваколати берилган шахс, шу жумладан ахборот воситачиси томонидан;

тузувчининг ахборот тизими ёки унинг номидан – автоматлаштирилган режимда ишловчи тизим орқали юборилши мумкин.

44. Электрон ҳужжат ва электрон хабарнинг адресати уни ҳақиқатда жўнатувчига мансублигини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

VII. Электрон тижоратда етказиб бериш ва тўловларни амалга ошириш

45. Шартнома харидорга (буюртмачига) товарни етказиб бериш шарти билан тузилган ҳолларда сотувчи товарни шартономада белгиланган муддатларда харидор (буюртмачи) томонидан кўрсатилган жойга етказиб бериши шарт.

46. Ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш шартномада кўрсатилган жойда ва муддатларда амалга оширилади.

47. Товарларни харидор (буюртмачи) томонидан кўрсатилган жойга етказиб бериш учун сотувчи:

фуқароларга мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқлар асосида тегишли бўлган автомототранспорт воситаларида етказиб беришни амалга ошириши;

товарларни етказиб бериш хизматини кўрсатиш ҳуқуқига эга учинчи шахс хизматларидан фойдаланиши;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа усуллардан фойдаланиши мумкин.

48. Электрон тижоратда тўловларни амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва шартнома билан тартибга солинади.

49. Сотувчи ва ахборот воситачиси қуйидаги мумкин бўлган усуллардан фойдаланган ҳолда шартнома доирасида тўловларни амалга ошириш учун барча зарурий шароитларни яратиши шарт:

банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда тўловлар қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларини қўллаш;

шахсий кабинет орқали маблағларни миллий банк карталаридан, шунингек бошқа тўлов тизимларидан (онлайн-тўлов) кўчириш йўли билан;

пул маблағларини банк ҳисоб рақамидан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда кўчириш.

VIII. Шартнома шартларини бажаришни рад этиш тартиби ва шартлари

50. Товар (иш, хизмат) харидори (буюртмачи) қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда товарни, ишларни бажаришни ва хизмат кўрсатилишини рад этиш сабабларини кўрсатиб, сотувчини хабардор қилиш йўли билан тузилган шартнома бажарилишини рад этиш ҳуқуқига эга.

51. Шартномада назарда тутилган ҳолларда харидор (буюртмачи) шартнома шартларини бажаришни рад эта олмайди.

52. Электрон тижоратда товарларни қайтариш Ўзбекистон Республикаси «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ амалга оширилади.

53. Пул маблағларини қайтариш зарур бўлган ҳолларда харидор (буюртмачи) томонидан тақдим этилган мазкур товарнинг тўловини тасдиқловчи чекка тенглаштирилган ҳужжат асосида сотувчи харидорга пул маблағларини қайтариши шарт.

54. Пул маблағларини қайтариш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари талабларини инобатга олган ҳолда шартномада кўрсатилган тартиб ва муддатларда амалга оширилади.

55. Товар ва пул маблағларини қайтариш билан боғлиқ ҳужжатлар электрон ҳужжат ва электрон хабар шаклида расмийлаштирилиши мумкин.

56. Товарни қайтариш билан боғлиқ транспорт харажатларини қоплаш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган талабларни инобатга олган ҳолда шартномада кўрсатилган шартларга мувофиқ амалга оширилади.

57. Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартнома шартларини бажаришни рад этиш тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ амалга оширилади.

IX. Электрон тижоратда экспортнинг ўзига хос хусусиятлари

58. Товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) электрон тижорат шаклидаги экспорти Ўзбекистон Республикасининг божхона қонунчилигининг барча талабларига қатъий риоя этган ҳолда амалга оширилади.

59. Электрон тижорат субъектлари электрон рақамли имзо билан тасдиқланган электрон ҳужжат шаклидаги шартномаларни – экспорт контракти тузиш ҳуқуқига эга.

Шартномаларни тузишда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳорижий давлатлар электрон рақамли имзо калитларининг сертификатларидан фойдаланишга йўл қўйилади.

60. Шартнома доирасида экспорт асосида етказиб бериш билан боғлиқ тартиботлардан ўтиш – электрон ҳужжат шаклидаги экспорт контрактлари бир вақтнинг ўзида давлат божхона хизматларида контрактни рўйхатга қўйган ҳолда ҳамда товарнинг келиб чиқиш, ветеринар, фитосанитар, экологик ва гигиеник (санитар-эпидемиологик хулоса) сертификатларини бериш «Ягона дарча» идораларо ахборот тизими орқали амалга оширилади.

61. Шартномани – экспорт контрактини Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо операциялари ягона электрон ахборот тизимида ҳисобга қўйиш товарларни белгиланган тартибда божхона расмийлаштируви учун асос ҳисобланади.

62. Товарларни етказиб бериш ва тўловларни амалга ошириш билан боғлиқ масалалар шартнома шартларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари талаблари инобатга олган ҳолда тартибга солинади.

X. Якуний қоидалар

63. Электрон тижоратни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган низолар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

64. Электрон тижорат субъектлари мазкур Қоидалар тартибларига риоя этмаган ҳамда шартнома доирасида мажбуриятларни бажармаган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

65. Солиқ солиш объектлари ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларни аниқлаш, ҳамда солиқ тўловларини ҳисоблаб чиқариш учун асос бўладиган ҳисоб ҳужжатларини тузиш Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилиги асосида амалга оширилади.

66. Электрон тижорат шаклида товарларни сотишда, ишларни бажаришда ва хизматларни кўрсатишда давлат органлари томонидан бухгалтерия ҳисобини ҳамда солиқ ва молия ҳисоботларини алоҳида-алоҳида юритишни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

67. Электрон тижорат шаклида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилаётган тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш билан боғлиқ муносабатларни амалга ошириш Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги Қонуни билан тартибга солинади.

68. Электрон тижорат субъектлари Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”, “Ахборотлаштириш тўғрисида”, “Электрон рақамли имзо тўғрисида” ва “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлари талабларига риоя этишлари шарт.